

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

Фидойи инсон эди...

(Оммабоп мақола)

Жиззах– 2010

Фидойи инсон эди...

Кимё фанининг жонкуяр фидойи олимларидан бири, техника фанлари доктори, профессор Тиркашев Илҳом ҳаёт бўлганларида бу йил 60 ёшга тўлган бўлар эди. Ўз меҳнат фаолиятини Ўзбекистон Миллий университетининг (собиқ ТошДУ) лаборанти, сўнгра 1973 йилдан мактаб ўқитувчилигидан бошлаган иқтидорли олим мазмунли ҳаёт йўлини босиб ўтди.

Тиркашев Илҳомнинг айна ёшлик ва навқиронлик йиллари бевосита Жиззах Политехника институти билан боғлиқ. 1977-1986 йиллари у собиқ Тошкент Политехника институтининг Жиззах филиалида ассистент, катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири лавозимларида фаолият кўрсатди. Бу йиллар давомида Илҳом Тиркашев ўзининг тиришқоқлиги, кимё фанининг жонкуяр фидойи олими сифатида жуда катта, баракали ташкилий, ижтимоий-сиёсий ишларда фаоллик кўрсатди. У 1984 йилда ўзининг номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиши билан институтда яна бир ёш олимнинг пайдо бўлганлигини намоён этди. Янгиликларга интилиши, кимё фани ютуқларини мустақил Ватанимизнинг иқтисодий тараққиётига хизмат қилдириш борасидаги илмий изланишлари натижасида 1998 йилда докторлик диссертациясини муваффақиятли якунлади.

Тиркашев Илҳомнинг илм-фанни ривожлантириш, унга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиш билан биргаликда, бевосита таълимнинг ўзидаги баракали меҳнатлари алоҳида ўрин эгаллайди. У вилоят марказидаги маиший

хизмат, индустриал, иқтисодиёт ва транспорт коллежларида раҳбарлик қилган чоғларида мамлакатимиздаги узлуксиз таълим тизимининг ўрта бўғини бўлган муассасаларда юқори малакали мутахассис, жонкуяр устоз, ташаббускор раҳбар сифатида чуқур ҳурматга, эътирофга сазовор бўлди. Унинг 2002-2005 йиллари Жиззах вилояти ҳокимлиги ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармасининг бошлиғи лавозимида фаолият юритган даврида вилоят ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, илм масканларини жорий таъмирлаш ва жиҳозлаш борасидаги ишлар ўта самарали бўлди. У ўз меҳнат фаолияти даврида 100 дан ортиқ илмий ва ўқув –услубий ишлар, монография, дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратди. Унинг ҳаммуаллифликда яратган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун мўлжалланган “Кимё” фанидан дарслиги ўқувчиларнинг ушбу фан бўйича қизиқиб мутоала қиладиган дарслиги бўлиб қолди. Ушбу дарслик бир неча мартаба қайта нашр қилинди ва ҳамон унга талаб каттадир.

Етук инсон, фидойи олим ва устоз Илҳом Тиркашев ўзининг баракали меҳнат фаолияти давомида юзлаб шогирдлар тайёрлади ва унинг шогирдлари мамлакатимизда мавжуд барча ишлаб чиқариш корхоналарида самарали меҳнат қилмоқдалар. Илҳом Тиркашев нафақат етук олим, балки юксак дидли, жонкуяр оилапарвар фидойи инсон эдилар. Уларнинг умр йўлдоши - кимё фанида кўзга кўринган олима, профессор Бахти опа Урдушева ҳозирда Жиззах Политехника институтида ёшларга чуқур илм, юксак маънавий дунёқарашларини бойитиш борасида ҳормай-толмай меҳнат

қилмоқдалар, қизлари - ёш олима, иқтисод фанлари номзоди Нодира Тиркашева Жиззах шаҳридаги иқтисодиёт коллежининг жонкуяр раҳбари. Устоз сифатида ўқувчиларга иқтисодиётнинг сирли оламларини очишда меҳнат қилмоқдалар.

Устоз олим Илҳом Тиркашевнинг ташкилотчилик, жонкуярлилик ва олижаноблик хислатлари, айниқса, унинг 1998-2003 йиллари Жиззах шаҳар халқ депутатлари Кенгашининг депутатлиги даврида янада ёрқинроқ, салмоқлироқ намоён бўлди. Бу даврда унинг шаҳар ва вилоят миқёсидаги таълим муассасалари бўйича олиб борган ташкилий ишлари беқиёсдир. Бу мўътабар, камтарин ва содда, халқпарвар инсоннинг хотирасини биз у билан елкадош хизмат қилган сафдошлари, шогирдлари доимо ёдимизда сақлаймиз.